
Ўзбекистон туманида пенсия ва нафақа олувчилар сони 31 минг кишидан ошди

Бу ҳақда Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими маълум қилмоқда.

2021 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра Пенсия жамғармасининг Ўзбекистон туман бўлимида ҳисобга олинган пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий сони 1 январь ҳолатига нисбатан 1 607 нафар (5,1 фоиз)га ошиб, **31339 нафарни ташкил қилган.**

Шундан:

24 572 нафари (78,4 фоизи) ёшга доир пенсия (63,7 фоизи аёллар);

2 634 нафари (8,4 фоизи) ногиронлик пенсия (42,1 фоизи аёллар);

1 143 нафари (3,6 фоизи) боқувчисини йўқотганлик пенсия олувчи оиласалар (88,4 фоизи аёллар);

2 906 нафари (9,3 фоизи) нафақа олувчилар (70,9 фоизи аёллар);

84 нафари (0,3 фоизи) "Ҳарбий ҳизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунига мувофиқ пенсия олувчилар.

2021 йил 1 январь ҳолатига нисбатан ёшга доир пенсия олувчилар сони 1 208 кишига, ногиронлик пенсия олувчилар сони 59 кишига, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи оиласалар сони 74 оиласага ва нафақа олувчилар сони 268 кишига ортган.

2021 йилнинг январь-октябрь ойларида 2 589 нафар фуқарога янги пенсия ва нафақалар тайинланган.

Шундан, 1 875 нафарига ёшга доир пенсия, 183 нафарига ногирон шахс сифатида пенсия, 132 оиласага боқувчисини йўқотганлик пенсия ва 399 нафарига нафақалар тайинланди.

Қайд этилишича, бу 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 1 885 нафар ёки 6 фоизга кўп.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2021-11-25 11:18:10